

Ҳар ким ўз истаги билан никоҳланади



10:00 / 03.01.2025 5937

Совчилик ота-оналар ёки ишбошилар томонидан амалга оширилиши ва уларга жавоб бериш ҳам шу тариқа бўлиши мусулмон халқларнинг оммавий одатларидан бўлиб қолган, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ҳаттоки, мусулмон бўлмаган қавмлар ёки динимиз ҳақида тузукроқ маълумотга эга бўлмаган, «мусулмонман», деб юрган баъзи кимсалар: «Мусулмончиликда умр йўлдошини танлашда ёшларнинг ўзларининг хоҳиши эътиборга олинмаса ҳам, бўлаверади», деган тушунчада бўлишлари ҳам мумкин. Аммо шариатда ундай эмас. Исломда ҳар бир шахс ўз эрки, ҳуррияти ва истак-хоҳиши билан оила қуриши кераклиги алоҳида таъкидланади.

Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифлари келган.

عُكُنْتُ آلَ لَاقِ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لِي صَبِيحٌ لَيْلٍ نَعُ، عُنَّ عُلَّ لِي ضَرَّ رَءِيْرُهُ بِأَنْ ع
هَلَّ لِي وَسَرَّ أَيُّ: أُولَاقِ، نَدُّتْ سُرَّتْ يَّتَحُّ رُكْبَلُ حُكُنْتُ آلَ وَرَمَّتْ سُرَّتْ يَّتَحُّ مِيَّ آلَ
نَمَّ هَسْفَنَبُ قَحَّ بِيَّتْ لِي: عِيَّ أَوْرِي فَو. عَسْمَحْلُ أَوْرِي. تَكْسَتَنْ: لَاقِ؟ أُنْذِي فَيَكُو
أَهْتُ وَكُسْ أُنْذِي وَرَمَّتْ سُرَّتْ رُكْبَلُ أَو، أَوَّلِي وَ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Маслаҳат сўралмагунча, жувон никоҳланмас. Изн олинмагунча, бокира никоҳланмас», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг изни қандай бўлади?» дейишди.

«Сукут сақламоғи», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«Жувон ўз нафсига валийсидан ҳақлироқдир. Бокирадан эса изн сўралади. Унинг изни - сукутидир», дейилган.

Бу ҳадиси шарифда никоҳ масаласида қиз ва аёлларнинг розилиги шарт экани, совчи келганида, эркаклар, яъни оталар, акалар ва бошқалар ўзларича жавоб бериб юбормасдан, улар билан маслаҳат қилиб, розилиklarини олишлари кераклиги баён қилинмоқда.

Замон бузилиб, ишлар тескарисига айланмай туриб, нафақат мусулмонларда, балки дунёнинг барча халқларида ҳам бир қизга совчилик қилиш оила бошлиғи бўлмиш отага гап очиш, ундан розилик сўраш билан бўлган. Оддий инсоний одоб-ахлоқ, халқларнинг урф-одатлари шуни тақозо қилган ва қилади ҳам.

Ислом оталарга ёки уларнинг ўрнига қолган валийларга қизнинг ўзидан розилик сўрашни тавсия қилади. Чунки ҳолатнинг ўзи шуни тақозо қилади. Бир одамни ўзининг изнисиз, хабарисиз, розилигисиз эрга бериб юбориш тўғри эмас.

Агар эрга тегиши ҳақида сўз кетаётган кимса эрдан ажраган жувон бўлса, у ўз розилигини очиқ-ойдин айтиши шарт. Чунки у оила кўрган, эркак киши билан муносабатда бўлган, никоҳ масалаларида тажрибага эга, бундай гапларни гаплашиб юрган. Энди очиқ маслаҳатлашишдан уялмайди.

Маслаҳат қиз боланинг турмушга чиқиши ҳақида бўлаётган бўлса, бир оз бошқача йўл тутилади. Агар у очик жавоб берса, ўзининг иши. Унинг ўша жавобига қараб иш қилинади. Аммо индамаса, сукути розилик аломати бўлади.

Муслима қизлар одоб-ахлоқ, ҳаё, эҳтиром доирасида тарбия топганликлари туфайли уялиб, отаси ёки бошқа яқинлари билан ўз никоҳи тўғрисида гапла-шишга уялиб, индамайдилар. Шунинг учун қиз боланинг уялиб, индамагани унинг бу никоҳга розилиги ҳисобланади.

Лекин индамаслигига норозилик аломатлари қўшилса, бундай сукутни розилик деб бўлмайди. Бундай ҳолларда оналарни ишга солиш яхшироқ бўлади. Зотан, жорий одатлар ҳам шунга айланиб қолган.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва-саллам:

«Аёлларни қизлари ҳақидаги ишга таклиф қилинганлар», – деганлар.

رَمُّمَاتُ سُنْتٍ لَأَقْمَلَسُو هَلْ لَإِلْصِي بِنَلْنَعُ نَعُ لَلْإِيضَرَ رَرِي رُ بَبِ أْنَع
هُ أَوْر. أَلْجَلَعَزَاوَجَ أَلْفَ تَبَبِ أْنِإو، أُهُنْدِإِ وَهَفُ تَتَكَسْ نِإْف، أَسْفَنَ فِي فُ مَيَتِي لَلْ
نَنْ سَلْأَبْأُصْأ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етим қиздан ўзи ҳақида изн сўралади. Агар сукут сақласа, ўша унинг изнидир. Агар бош тортса, уни мажбурлаш йўқ», – дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Етим қизлар деганда отаси ва валий бўладиган қариндошлари йўқлиги туфайли бошқа бир одамнинг тарбиясида ўсган қизлар тушунилади. Одатда, бундай қизларни ўзларидан сўраб-сўрамай эрга бериб юбориш ҳеч гап бўлмай қолган. Аммо хоҳ етим бўлсин, хоҳ етим бўлмасин, қизларни мажбур қилиб эрга бериш шариатга мутлақо хилоф эканини мана шу ривоятдан кўриб турибмиз. Бундай қилиш катта зулм ҳисобланади.

Ислом ҳукмларидан беҳабар кишилар Аллоҳ таоло томонидан қизларга берилган бу ҳақни поймол қилиб келганлар. Улар қизларнинг розилигини сўрамай, норози бўлсалар, уриб-сўкиб эрга берганлар. Бу эса, доимо Ислом душманлари томонидан динимизга таъна тошлари отилишига сабаб бўлиб келган. «Мусулмонман» деб юрганларнинг ношаръий ишлари ўзларига

гуноҳ бўлиши билан бирга, динимиз душманлари тегирмонига сув қуйишини шундан билиб олсак ҳам бўлади.